O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 7 IYUL ◆ SHANBA ◆ № 78 (26.780)

БИРМИНГЕМ ОРҚАЛИ НЬЮ-ЙОРККА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг жаҳон авиаташувлар бозоридаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб, нуфузи ортмоқда. Шу боис ҳам Англия ва АҚШнинг авиация маъмурлари авиакомпанияни жиддий амалий ҳамкор сифатида билиб унга «Самодаги бешинчи эркинлик» ҳуқуқини берган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олаётган ўзбек учувчилари шу ҳафтада Англиянинг Бирмингем шаҳри орқали Нью-Йоркка мунтазам қатновларни бошладилар.

Янги қатнов ўзбек миллий авиакомпаниясига Тошкентдан Нью-Йоркка парвозлар сонини ҳафтасига учтага олиб чиқишга имкон берди. Янги аэропортнинг ўзлаштирилиши эса ўзбек учувчиларига Канадага парвозларни амалга ошириш режаси йўлидаги муҳим қадамдир.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҲОКИМ МУКОФОТ СОҲИБИ

Кенг кўламдаги қурилишлар, ижтимоий соҳаларга берилаётган катта эътибор, қўшма корхоналарнинг кўпаяётганидан ташқари мамлакат миқёсида Наманган — спорт вилояти деган қутлуғ номга ҳам муносиб бўлиб бормоқда. Ҳозир вилоятда 2000 киши бирваракайига спорт мусобақалари ўтказиш имкони бор. Ёки яратилган имкониятлар туфайли маҳорати ошган 55 наманганлик йигит-қиз 27 тур бўйича республика терма жамоалари аъзоларидир.

Вилоят ҳокимлигининг жисмоний тарбия ва спортга бу каби алоҳида эътибор бераётгани самаралар бермоқда. Яқинда Халқаро Олимпия қўмитаси вилоят ҳокими Тўлқин Жабборовни махсус қимматбаҳо мукофот билан тақдирлади.

Мукофотни республика миллий Олимпия қўмитаси раиси Собир Рўзиев Халқаро Олимпия қўмитаси номидан топширди.

Вилоят спорт қўмитаси раиси Ш. Қорабоев ва бошқалар халқаро мукофот спорт соҳасида келгусида катта ютуқларга даъват этишини изҳор этдилар.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МОСКВАДА ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

Шу йил 25 июндан 1 июлга қадар Москвада рус тили бўйича бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро олимпиадада мамлакатимиздан беш нафар ўқувчи қатнашди. Беллашувларда навқирон ҳамюртларимизнинг барчаси ғолиб чиқди. Уларнинг тўрт нафари — Фарғона шаҳридаги 2-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гуландом Юсупова, пойтахтимиздаги 166-мактаб 11-синф ўқувчиси Елена Калинина, ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси 9-синф ўқувчилари Гулисанам Каримова ва Пўлат Солиҳов олтин, мазкур гимназиянинг 9-синф ўқувчиси Фурқат Полвонзода эса бронза медалига сазовор бўлди.

Халқ таълими вазирлигида мазкур олимпиада ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларига Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

■ **Гулрух ҒАНИХОНОВА**

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

СИНОВ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Аниқ мақсадни кўзлаган инсоннинг келажаги ёруғ бўлади. Ёшликдан қайсидир соҳа эгаси бўлиш орзусида юрган ўсмирлар бугун катта синов арафасида турибди. Республикамизда олий ва ўрта махсус билим юртларида, коллежларда, академик лицейларда қабул давом этаяпти.

Қабул жараёнларини кузатиб шунга амин бўлдикки, ёшларнинг ўқишга бўлган иштиёқи кучли, масъулият ҳисси анча теранлашган.

Тошкент давлат техника университетида бугунги кунгача қабул қилинган ҳужжатлар сони ўтган йилга нисбатан уч баробар кўп. Университетдаги мавжуд 7 факультетга 1842 нафар талаба қабул қилинади. Бакалавр йўналиши бўйича 32 та мутахассислик, магистратурага 57 йўналиш бўйича талабалар қабул қилинмоқда, шундан 11 таси янги мутахассисликдир.

— Янги мутахассислик йўналишларини очишдан мақсад — корхона ва ташкилотлардан тушаётган талаб ва истаклардир. Биз улар учун кадрлар етиштириб беришни асосий мақсадимиз деб биламиз. Шунингдек, республикамиздаги корхона ёки ташкилотларнинг етук кадрларга бўлган эҳтиёжи қондирилади,— дейди университет қабул ҳайъати масъул котиби Абдурашид Мажидов.

■ **Баҳром ҚУВВАТОВ**

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«ҲАРАКАТ РЕЖАСИ» ИМЗОЛАНДИ

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан глобал ва минтақавий экологик муаммоларни бартараф этиш, хусусан, Орол денгизи ҳавзасидаги танглик оқибатларини енгиллатиш, минтақа аҳолиси саломатлигини тиклаш ва бошқа экологик муаммолар ечимини топишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиш, бу ишларга хориж сармояларини жалб этиш мақсадида Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида муайян ишлар олиб борилмоқда. Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам бу ҳаракатлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Шу йўналишдаги фаолиятни янада кенгайтириш мақсадида «Экосан» жамғармасида «Ўзбекистон — Малайзия барқарор экоривожланиш йўлида» мавзуида учрашув ташкил этилди. Унда экологик муаммолар айни вақтда дунё жамоатчилигини бирдай ташвишга солаётгани ва шунинг учун ҳам бу муаммолар ечимига бағишланган ҳар қандай ҳаракат қўллаб-қувватланиши лозим эканлиги таъкидланди.

Тадбир сўнггида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат — «Ҳаракат режаси» имзоланди.

■ **Самаржон ҲУСАНОВ**

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

«ХАЛҚ ҚАЛБИДА НУР СЎНМАСЛИГИ КЕРАК»

Мухтор ШОХОНОВ, шоир, Қозоғистон Республикасининг Қирғизистондаги элчиси

Мен у билан Бишкекдаги ишхонасида эканлигида телефонлашдим. Ўтган ҳафта ҳам боғлангандим. Ўшанда иши тиғизлиги туфайли узр сўраганди. Иложи бўлса ўзи қўнғироқ қилишини айтиб, телефон рақамимни ёзиб олганди. Биз бугун суҳбатлашишни келишгандик.

— Ассалому алайкум, Мухтор оға! Мен «Ўзбекистон овози»дан...

— Эй, Кўчқор сенмисан. Танидим. Аҳволларинг қандай? Газетанг учун суҳбатлашамиз. Майли, ваъда — ваъда. Нима қиласан — саволларинг тайёрдир? Айт, жавоб бераман.

— Шу дамда ўзингиз нима ҳақида гапиргингиз келаяпти?

— Хўп, яхши. Сенга кейинги китобларимни жўнатаман... Ҳозир, сен билан гаплашиб турган чоғда, ҳар жиҳатдан боғланишларимиз узилмаслиги, бу мумкин эмаслигини айтмоқчиман. Ўзбекларда кучли истеъдодлар кўп. Раҳматли Ғафур Ғулом, Миртемирлар билан яқин алоқада бўлганман. Ғафур ака билан Алматидаги учрашувим кечагидай эсимда. Миртемир аканинг юбилейи Чимкентда ўтувди. Дарвоқе, мен Чимкент вилоятининг йигитиман.

Ўзбекнинг катта шоири Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов билан яқинман. Одил Ёқубов билан иноқман. Усмон Азим, Азим Суюн ва бошқа йигитлар билан ҳам муносабатим аъло. Хуллас, катта шоирлар, ёзувчилар сарҳад билмайдилар. Бизнинг адабиёт туфайли ўрнатган дўстлигимиз мангу, барқарордир.

— Хозирги замонда туйғунинг парвариши, қалб ҳиссиётининг жилваси, адабиёт мислсиз даражадаги цивилизация билан рўбарў келди. Фикримни ихчам баён этсам, китоб, халқ маънавияти, қадимий гўзал одатлардан завкланиш сезгиси XXI асрнинг компьютерлари, техник қурилмалари билан юзма-юз турибди...

— Тушундим. Ҳаммамизни ўйга толдириб, қалбимизни безовта қилаётган муаммо хусусида сўз очдинг. Сен менинг «Адашган тараққиёт» деган поэмамни ўқиганмисан?

— Ҳа. Шунинг учун ҳам юқоридаги саволни бердим. Китобингиз Одил Ёқубовда бор экан. Сиз билан суҳбатлашиш ниятимни билиб ёзувчи Тўлепберген Қаипбергенов олиб келиб берди. Поэмангиз дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, машҳур бўлиб кетди. ЮНЕСКО бу асарда икки минг йиллиқнинг энг улкан муаммосини кўтариб чиққанингизни эътироф этиб, юқори баҳолади ҳамда ўзининг Париждаги штаб квартирасида тақдимнома ўтказди.

— Хабардор экансан. Шу поэмада ёзганман, бир донишманд ҳукмдордан уйига келган меҳмонлар: «Фарзандларингиз нечта?», деб сўрабди. Ҳукмдор: «Бир яримта фарзандим бор», деб жавоб берибди. Меҳмонлар ҳайрон: «Нега бир яримта деяпсиз?». Ҳукмдор: «Тўғриси, уч ўғлим бор. Учаласи ҳам ўқимишли. Сабоқ олган. Лекин улардан бири уйғоқ ақли билан ўз билимларини отабоболаримиз, қадим аждодларимизнинг ахлоқий мукаммаллиги, маданий мероси билан боғлай билди. Иккала фарзандим эса буни эплай олмади. Шунинг учун уларнинг икковини ҳам қўшиб яримта фарзанд дейман. Кимки ҳиссиз, туйғусиз бўлса-ю, қуруқ, совуқ ақл билан эзгу туйғу ва ахлоқни, инсонийликни менсимаса, уни қанча кўкка кўтариб мақтама, барибир жамият учун хавфли бўлиб қолади», — дебди.

— Худди елкасида бош ўрнига компьютерни кўтариб юрганга ўхшайди бундай одамлар.

— Ҳа, топдинг. Қалб, ахлоқ, ички гўзаллик топталмаслиги керак.

— Демак, адабиёт ва санъат...

— Ҳа, адабиёт ва санъат миллат қалбининг ёруғ нурларини ифодалайди, улар миллат юрагининг кардиограммасидир. Қайсики давлатда адабиёт ва санъатга соя ташланса, ўша халқни буюк халқ деб бўлмайди.

— Мухтор оға, хозир Ўзбекистонда адабиёт ва санъат ривожига шарт-шароит мавжуд. Шу билан бирга истеъдодлар нимага кодирлигини кўрсатяпти ҳам. Истеъдодсизлар эса ҳамма замонда майда-чуйда ишлар билан машғул бўлишган.

— Тўғри гап. Маънавиятга эътибор берилган жойда ўсиш, ахлоқий ва ақл тараққиёти уйғун кечади. Буни Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистон ўз буюклигини сақлаб қолган давлат, ҳар бир ўзбекистонликда келажакка нисбатан ёруғ ишонч бор.

— Оға, ўзини топиб, ўзини тан олган миллат озодлик нима эканлигини яхши англайди.

— Халқ орзусининг амалга ошуви — энг улуғ саодат. Халқларимиз яқин, томирдош. Ўзбекистонликларга, биродарларимга куч-қувват, бахтиқбол тилайман. Руҳий қудрат, маънавий гўзаллигига кўз тегмасин дейман. Истиқлолингиз барқарор бўлсин.

■ **Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ**

«ЎЗБЕКИСТОН» ҚЎШИҚ ТАНЛОВИДА

Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар кенгаши ташаббуси билан истиқлолимизнинг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон» қўшиқ кўрик-танлови ўтказилди. Танловда иштирок этган меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, қўшиқ дасталари Ўзбекистон, истиқлолни тараннум этувчи қўшиқлар ижро этдилар. Кўрик-танловда Қўқон педагогика институти, санъат, тиббиёт билим юртлари қўшиқ дасталари ғолиб чиқишди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

ТУПРОҚ ТАҚДИРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИ ТУБ ЎЗГАРИШГА МУҲТОЖ

Ўзбекистон дунё мамлакатларини нисбатлаб ҳисоблаганда ҳам улкан имкониятга эга аграр мамлакат. Аммо, бугун ана шу имкониятларга тўсиқ бўлиб турган муаммо — қишлоқ хўжалиги, хусусан, мамлакатнинг асосий даромад манбаи бўлиб келаётган пахта ҳосили самарадорлиги биз кутганчалик эмас.

Хуллас, муаммо аниқ: йиллар мобайнида юрт тупроғида тинимсиз пахта экилиши, аёвсиз кимёвий оғуларнинг ишлатилиши натижасида тупроқ ўз табиий кучини ишлатиб бўлди, энди ерни янада зўрлашдан натижа йўқ. Кимёвий усул ўз имкониятини фожиали тугатди. Зўрланган тупроқни асл ҳолатига қайтаришнинг ягона йўли эса биологик кураш, бу усул чора-тадбирларини зудлик билан ҳукумат миқёсида белгилашдир. Бундай тадбирга бўлган эҳтиёж, айниқса, Сирдарё вилояти миқёсида аниқ намоён бўлади. Ўтган йилги пахта ҳосили натижасига кўра ҳосил баъзи туманларда 10 центнерни ташкил этган, холос. Сирдарё эса қачонлардир пахта ҳосили борасида илғор вилоятлардан эди.

Тўғриси, унумдорлик пасайиши, собиқ иттифоқ даврида Москва томонидан ҳам англанган, аммо ўзбеклар пахта топшириш режасида фирибгарлик қилаяпти, деб тушунилиб, «марказ»дан кўплаб комиссиялар ва оқибатда «пахта террори» уюштирилгани маълум. Афсуски, у пайтда бундан холис хулоса чиқарадиган кишиларнинг ўзи йўқ эди.

Албатта, мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Президенти томонидан пахта яккаҳокимлигига чек қўйилиши, хусусан, пахта экиладиган майдоннинг 45 фоизга қисқартирилиши оз бўлса-да, тупроқнинг маълум қисмида бошқа экинлар экилишига имкон яратди. Бироқ бугунги мавжуд вазият учун бу нарса етарли эмас. Қолаверса, гап республикамизнинг барча экинзор ерларининг аянчли аҳволи, мамлакат иқтисодиётини кўтариб турган тиргак — қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, хароб бўлган тупроқни тиклаш борасида кетаяпти.

Аввало, тупроқ таркиби, унумдорликни оширишнинг агротехник усуллари ҳақида. Маълумки, тупроқ унумдорлигини белгиловчи асосий хусусият унинг таркибидаги чиринди миқдоридир. Ўсимлик, хусусан, пахта ҳам айнан шу табиий чириндидан озиқланади. Аслида дунё тажрибасида қўлланиладиган усул бу — ана шу табиий модданинг мавжудлигини таъминлаб турадиган биологик усулдир. Аммо собиқ социалистик ишлаб чиқаришда, бошқа соҳаларда бўлгани каби, унумдорлик қандай оқибатларга олиб келмасин, ошиши шарт эди. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишнинг янги зўрма-зўраки — кимёвий усули қўлланилди, унумдорлик ошаётгани ҳақида бутун дунёга жар солинди, шу тариқа унумдорликни оширишнинг классик усули вужудга келди. Бу усулнинг асосий хусусияти эса тупроқдаги табиий маҳсулдорлик манбаи бўлган чириндини кимёвий оғу орқали ўлдириш, умуман тупроқдаги табиий жараёнга барҳам бериб, уни кимёвий усулда жараёнлаштиришга қаратилганди. Тупроқ сунъий равишда нафас олдирилади. Бу худди инсон организмининг заҳарланишига ва оқибатда унинг ҳаётини фақат тиббий дори-дармон, ускуналар ёрдамида ушлаб туришга ўхшаш ҳолат.

Тан олиш керак, собиқ иттифоқ даврида қишлоқ хўжалиги фани шиддатли ривожланди. Агрономиянинг совет мактаби юзага келди. Аммо, афсуслар бўлсинким, бу мактаб, изланиш йўли бошиданоқ нотўғри танланган, маҳкум йўналиш эди. Ҳатто, янги пахта навларини яратишдаги изланишларга ҳам ана шу кимёвий озуқа миқдоридан ёндашилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳали унумдорликнинг классик усули эндигина оёққа тураётган 20-30-йилларда, баъзи олимлар томонидан мазкур усулнинг самарасизлиги башорат қилинди. Аммо социалистик давр уларни кечирмади. Социалистик мафкура фақат ўсишни тан оларди. Шу тариқа фан мафкура талабига тобе қилинди. Собиқ мафкурага хос бир унсур: сифат эмас — сон, келажак эмас — бугун. Гўё мафкура инсоният тарихида умрининг қисқалигини англагандек. Аммо бу қисқа даврдаги зўракилик натижаси ҳамон фожиадан дарак бермоқда. Афсуслар бўлсинки, бу усул ҳамон мавжуд. Далалар кимёвий дорилар воситасида зўрланмоқда. Майли, масаланинг экологик томонини қўя турайлик, аммо ҳосилдорлик самараси ҳам ўзини оқламаётгани ҳақиқат-ку.

(Давоми 2-бетда)

Хатлар Хатлар Хатлар

«ТУҲМАТЧИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАМАНМИ?»

Ҳурматли таҳририят!

Ёшим эллик тўртда. Фарзандларим, невараларим даврасида Жиззах шаҳридаги «Қалия» маҳалласида истиқомат қилаяпман. Турмушимдан нолимайман.

Бироқ ҳаётда содир бўлган бир ҳақсизлик туфайли қўлимга қалам олиб, катта-кичик идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Воқеа бундай бўлган. 3552-сонли Жиззах шаҳар халқ банкининг 017 ва 014 бўлимларига 1990 ва 1991 йилларда тўйлар қилиш, яхши орзу-ниятлар учун ишлатишни ўйлаб тўплаган маблағларимни қўйдим. Афсуски, фаромушликми, турмуш юмушларими сабаб бўлиб омонат дафтарчам йўқолиб қолди. Бу ҳақда 1991 йилнинг ноябрь ойида Халқ банкига хабар қилдим. «Бироз сабр қилинг, янгисини ёзиб берамиз», дейишди. 1992 йил келганда эса «Пулларингизни олган экансиз», деган янгиликни эшитдим. Яна «ёз-ёз», яна «сеники-меники» бошланди.

(Давоми 2-бетда)

БУ ДУНЁ ИШЛАРИ



Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти Amnesty International маълумотларига кўра, сўнгги уч ойда Хитойда 1781 нафар киши ўлим жазосига ҳукм қилинган.

❖❖❖

Болгария парламенти мамлакат ҳукуматининг истеъфога чиқишига розилик берди.

❖❖❖



Македония ҳукумати албан исёнкорлари билан уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги шартномани имзолади. Шартнома 6 июлдан кучга кирди.

❖❖❖

Югославиянинг собиқ президенти С. Милошевичга рафиқаси билан учрашиш учун рухсат берилди. Аввалига унинг рафиқаси Гаагага қўйилмади, чунки у ҳам югославиялик бир қанча сиёсий шахслар қаторида «қора рўйхат»га тушган.

❖❖❖

Иркутск яқинида содир бўлган авиафалокат қурбонларидан 70 нафарининг шахси аниқланди. Улардан 6 нафари Хитой фуқаролари экан. Шахс аниқлаш ишлари якшанбагача давом этади.

ТУПРОҚ ТАҚДИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Демак, нафақат юрт тупроғи, табиат, экология каби эзгу тушунчалар нуқтаи назаридан эмас, балки реал иқтисодий томонларни ҳисобга олганда ҳам қишлоқ хўжалиги тизимини ўзгартириш вақти етди.

Хўш, кимёвий усулга қарши таклиф этилаётган биологик усул нима? Бу усул жорий этилиши биланоқ самарадорлик дарҳол кўтариладими? Йўқ, бирданига эмас. Аммо, асосийси қишлоқ хўжалигига ишлов беришда жаҳон стандарти даражасига чиқамиз, хароб бўлган тупроқ ахволи яхшиланади. Ҳосилдорлик эса ҳозиргидан кўра секинлик билан кўтарила бошлайди. Эсингизда бўлса, Ўзбекистон Президенти Исроилга ташрифида яҳудийларнинг гектардан 60 центнер ҳосил олиш тажрибасини юртимизда ҳам қўллаш лозимлигини таъкидлаганди. Аммо тупроқнинг ҳозирги ахволида бу масала анча қийин кечади. Бунга тажриба ўтказган мутахассислар амин бўлишган. Таъкидлаш мумкин бўлган нарса — Исроилда ҳам ерга ишлов беришнинг биологик усули жорий этилганидир. Бизда эса юқори ҳосил беришга ернинг бошқа кучи йўқ. Фақат тупроқ унумдорлиги табиий равишда тиклангандагина бу кўрсаткичга эришиш мумкин. Яна бир бор такрорлаймиз — бу усул жорий этилмаса мамлакатнинг асосий экспорт имконияти, даромад манбаи — пахтани бой бериб қўйишимиз мумкин. Буғдой самарасини ҳам кўтариб бўлмайди. Чунки, буғдой ҳам тупроқдан пахта каби муҳит талаб қиладиган кучли ўсимлик. Шу ўринда таъкидлаш лозим: деҳқоннинг пахтага муносабатини мажбурият тариқасидагина эмас, кўпроқ моддий имкониятлар доирасида қизиқтириш ҳам ҳосилдорликнинг асосий манбаидир. Бизда бундай имконият мавжуд.

Қисқаси шароитнинг ўзи қишлоқ хўжалиги тизимини ўзгартириш, биологик усул жорий этишни талаб этаяпти. Таклиф этилаётган биологик усул — алмашлаб экиш шуниси билан эътиборлики, у тупроққа чиринди тўплашга, ўзини тиклаб олишга имкон беради. Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд вазиятга кўра айни пайтда пахта экинлари 45 фоизни, дон экинлари 35 фоизни ташкил этади. Лекин пахта майдонларининг камайиши ва дон майдонларининг ортиши тупроқ унумдорлигини яхшилашга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Аксинча, дон экинларининг монокультурага чидамсизлиги пахтага нисбатан анча паст бўлганлиги туфайли монокультура асорати янада кучайди. Дон экинларида пайдо бўлаётган касалликлар ҳам шунинг оқибатидир. Пахта, беда, дон экинлари асосида ташкил этилган алмашлаб экиш эса тупроқ табиий унумдорлигининг ошишига имкон яратади. Масаланинг моҳияти эса алмашлаб экишни қандай тарзда амалга оширишда. Ҳозирда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли илмий ишлаб чиқариш маркази, Ер ресурсларидан фойдаланиш давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тупроқ унумдорлигига бағишланган тадқиқотлар Вазирлар Маҳкамасига берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, Олий Мажлисга тақдим этилган. Биринчи тадқиқотда пахта 45 фоиз, дон 35 фоиз қолдирилгани ҳолда оралиқ экинлар тавсия қилинади. Иккинчисида худди шу фоизлар сақланган ҳолда алмашлаб экиш таклиф қилинади, учинчи таклифда дон фоизи туширилиб, алмашлаб экиш кўрсатилган. Охирги таклиф биз киритаётган усулга яқин, аммо шаклий жиҳатдан фарқли. Бу тадқиқотларни рад этмаган ҳолда, биз тупроқ унумдорлигини асосли равишда оширадиган алмашлаб экишнинг қуйидаги шаклини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

ЎзҚХИИЧ маркази директори Ш. Нурматовнинг берган маълумотига кўра, қонун лойиҳасида алмашлаб экиш алоҳида модда сифатида киритилган. Унга кўра республика бўйича беда миқдори ҳар йили икки фоиздан ошиб боради. Шунда пахта ва дон маҳсулотларининг экин майдони 2004 йилга бориб 76 фоиздан 68,7 фоизга тушади. Бизнинг таклиф қилаётган алмашлаб экиш усулида ҳам беда йилига дон ҳисобига 2 фоиздан кўпайиб бориши кўзда тутилган. Нега дон ҳисобига? Чунки, доннинг унумдорлигини ошириш пахтага нисбатан осон кечади. Ҳар иккала таклифда ҳам икки фоиз беда миқдори кўрсатилган. Бу ўхшашликлардаги энг асосий фарқ эса алмашлаб экиш шаклида. Қонун лойиҳасидаги таклифга кўра алмашлаб экиш республика миқёсида бирданига жорий этилиши кўзда тутилган. Икки фоиз беда миқдорини республика хўжаликларига қанчадан тушишини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Юқоридан ҳар бир туманга қанчадир миқдорда беда экиш тавсия қилинса-да, аммо фақат пахта ва дон ҳосилидан манфаатдор хўжалик раҳбари беда учун қанақа майдонни ажратишини олдиндан билса бўлади, албатта, ҳосилсиз, сувсиз, ташландиқ майдон бўлади. Ваҳоланки, моҳият айнан сувли, асосий ер майдонларининг унумдорлигини тиклаш ҳақида кетаяпти.

Хўш, таклиф қилинаётган алмашлаб экиш шакли қанақа? Мазкур жараён ҳар йили республика туманларида биттадан хўжаликда мутлоқ жорий этилиши шарт. Яъни хўжаликдаги мавжуд экинзор ерларнинг барчасида алмашлаб экиш жорий этилиши керак. Шундагина алмашлаб экиш кўзланган мақсадга хизмат қилади. Бу қандай тарзда амалга ошишини тегишли мутахассислар ишлаб чиқишлари зарур (Қишлоқ хўжалигини лойиҳалаш институти). Ҳар қандай давлатда миллий-ижтимоий моҳиятга эга масала шахсий манфаатдан кўра устун туради. Республикамиздаги мавжуд хусусий фермер хўжаликларига ҳам мазкур усул шарт қилиб қўйилиши лозим. Қонунда бу ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Албатта, алмашлаб экиш даврий ротация жараёнига боғлиқ. Ўн далали алмашлаб экишнинг ротация жараёни учун ўн тўққиз йил вақт керак. Масалан, унумдор ер учун 1-2-3-йиллари — беда, 4-5-6-7-йиллари — пахта, 8-йили — дон, 9-10-йиллари — пахта. Шунда пахта салмоғи 60 фоиз, беда — 30 фоиз, дон — 10 фоиз бўлади. Тупроқ таркибига қараб алмашлаб экишнинг мавжуд уч тизимидан бири қўлланилади. Асосийси, мазкур жараён якунига етгунча қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари ҳозиргидан кўра пастга тушмайди, аксинча жараён бошланган далаларда ҳосилдорлик кўтарилиб, давомли тарзда тўлдирилиб борилади. Яна бир далил: ҳозирги маълумотларга кўра, 35 фоиз майдондан ялпи ҳисобда 3 миллион тоннадан ҳосил олинаяпти. Ўртача 30 центнерга тўғри келади. Алмашлаб экиш ўзлаштирилганда эса ҳосилдорлик 70 центнерга етказилиб, 15 фоиз майдондан 3,3 миллион тонна ҳосил йиғиш мумкин бўлади.

Хуллас, қишлоқ хўжалигида мавжуд вазият зудлик билан зарур чоралар белгилашни, хусусан, Олий Мажлис депутатларидан ҳар томонлама муҳокама қилинган аниқ ҳаракатларни талаб этади. Она тупроғимизни келажакда қандай кўришимиз бугунги қадамимизга боғлиқ.

Айниқса, бу қуйидаги маълумотларда янада ёрқинроқ акс этади. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат қўмитасида шахсан Ўзбекистон Президентининг кўрсатмасига биноан қуйидаги ер сифатини аниқловчи тадқиқот ўтказилган. Тупроқ сифати баннитет баллар ҳисобида аниқланади. Бу тизимга кўра юз балли тупроқ энг унумдор ҳисобланади. 1990-1999 йиллар мобайнидаги кўрсаткичга асосан ҳозир Ўзбекистондаги тупроқ сифати 1990 йилда 58 баллда бўлган бўлса, 1999 йилда 55 баллга тушган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1970 йилларда 75-80 балл даражасида бўлган. Кейинги икки йилда бу балл яна қанчага тушган номаълум.

Умид қиламизки, мавжуд қонун лойиҳасининг муҳокамасида юқорида билдирилган фикрлар ҳам инобатга олинади.

■ **Қурбон РОЗИҚОВ,**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.
Абдумалик БОБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ



Интернет дастури доирасида «Web-дизайн бўйича мураббийлар тайёрлаш» семинарида қатнашиш учун республикадаги Интернетдан фойдаланувчилар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Танлов мақсади:
республикада Web-дизайн бўйича мутахассислар сонини кўпайтириш.

Танловда Интернет ресурс марказлари ўқитувчилари, кутубхона Web-дизайнерлари, ноҳукумат-нотижорат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, соғлиқни сақлаш тизими, санъат ва маданият ходимлари, журналистлар иштирок этишлари мумкин. Аризалар Очиқ жамият институти махсус бланкларига мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

Уларни Ўзбекистон Очиқ жамият институти офисидан ёки
http://www.osi.uz;http://www.iatp.uz/seminarwed. Web
саҳифаларидан олишингиз мумкин.

Web саҳифалари, Интернет технологиялари ҳамда уларни кенг омма орасида тарғиб этиш бўйича янги ва оригинал ғояларни ўз ичига олган, шунингдек, танлов иштирокчилари томонидан келажакда ўтказилиши мумкин бўлган энг яхши семинар мавзулари баён этилган аризаларга алоҳида афзалликлар берилади. Семинар машғулотига талабгорларнинг тингловчилар билан машғулотлар ўтказишга имкон берадиган барча техник базага эга бўлган бирор-бир ташкилотга боғлиқлиги мақсадга мувофиқдир. Семинардан сўнг web-сайтлар тузиш бўйича олган билимини кенг тингловчилар аудиториясига ҳавола эта биладиган, шунга имконияти бор талабгорлар алоҳида қўллаб-қувватланади.

Семинар-машғулотлар шу йилнинг сентябрь-октябр ойларида ўтказилади. Ҳар бир семинарнинг давомийлиги 3 кун. Семинар ўтказиладиган кунлари машғулотга қатнашувчилар иссиқ овқат билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганлар учун йўл, меҳмонхона харажатлари Очиқ жамият институти томонидан тўланади.

Семинар қатнашчилари меҳмонхоналарга ташкилотчилар томонидан аввалдан брон қилинган жойларга марказлаштирилган ҳолда жойлаштирилади. Машғулотлар вақтида семинар қатнашчилари керакли материаллар билан таъминланадилар.

Очиқ жамият институти офисида аризаларни қабул қилиш эълон чиққан кундан бошланади ва у 2001 йил 10 август соат 18.00 га қадар давом этади. Агар ҳужжатлар почта орқали жўнатилса — почта штемпелидаги кун 2001 йил 10 августдан кечикмаслиги керак.

Талабнома ва лойиҳалар Очиқ жамият институтининг махсус экспертлар кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Танлов натижалари 2001 йил 10 сентябрда эълон қилинади.

Танлов билан боғлиқ қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:
700031, Тошкент, Зарбоғ кўчаси (собиқ Роза Люксембург кўчаси), 31-уй (мўлжал — «Россия» меҳмонхонасининг орқа қисми).
Маълумот учун телефонлар: 152-39-16, 152-39-33, 152-36-98.

ХДП ХАБАРИ

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

Яқинда ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши ҳамда «Иқбол» ёшлар маркази ҳамкорлигида «Янги Тошкент» маҳалласида «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуида тадбир ўтказилди. Тадбирда «Иқбол» ёшлар маркази раиси Н. Ғаффорова, марказ фаоли М. Қосимова, Тошкент шаҳар наркология диспансери наркологи Ф. Баҳромов ҳамда тадбиркор аёллар уюшмаси ижрочи директори Т. Саидкаримовалар гиёҳвандлик, унинг келиб чиқиш сабаблари, унинг инсон саломатлигига, жамиятга, шунингдек, соғлом авлодга етказаётган зарарлари тўғрисида гапирдилар. Бундан ташқари атроф-муҳит муҳофазаси, оилада фарзанд тарбияси каби долзарб масалалар ўртага ташланди.

Тадбир сўнггида Конрад Аденауэр номли жамғарма томонидан тақдим этилган гиёҳвандликка қарши қўлланма ва китобчалар тарқатилди.

■ **Малоҳат ҲАМЗАЕВА,**
ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши ходими

«Сўғдиёна — Хўжайли» акциядорлик жамиятига қарашли гилам тўқиш цехи бугунги кунда халқимиз эҳтиёжига мос турли хилдаги маҳсулотлар, жумладан, гиламлар, полослар ва сумкалар ишлаб чиқармоқда. Жамият 2000 йилда 346,24 кв.м. маҳсулотни харидорларга етказиб берди.

СУРАТЛАРДА:
(чапдан) тўқувчилар Алтин Хўжамуродова, Гулшод Есенқуловалар иш устида; тайёр маҳсулотлар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

МАНСАБ МАСЪУЛИЯТИ ҚАНИ?

Бугунги кунда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари олдига иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган мансабдор шахсларнинг тўрачилигига, жамоат мулкини талон-торож қилиб тараққиётга тўсиқ бўлаётган кимсаларга қарши жиддий чоралар кўриш вазифаси ҳам юклатилган. Бу прокуратура идоралари масъулиятини янада оширади. Хўш, мазкур идораларнинг туман бўғинлари масалага қай тартибда ёндошмоқда?

Бекобод тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Абдусаттор Маҳмудов бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.

— Аввало шуни айтмоқчиман: адолат мезонлари бузилмагандагина давлат ҳам, одамлар ҳам фойда кўради. Афсуски, баъзи мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимсизлиги айрим ҳолларда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Бекобод тумани ижтимоий таъминот бўлимида нафақа тўловлари учун ажратилган пул маблағларининг мақсадли сарфланишига қаратилган қонунлар юзасидан текшириш ўтказганимизда қаллобликлар борлиги аниқланди.

«Тошкент почтаси» ҳиссадорлик жамияти «Зафар» бўлимига қарашли «Жумабозор» алоқа бўлими почтальони Зоир Эргашев туман ижтимоий таъминот бўлими мутахассиси Анвар Исмоилов билан жиноий тил бириктириб Содир Эргашевнинг 17702 сўм 72 тийин пенсия пулини бермасдан ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган. Ёки «Далварзин» алоқа бўлимидан пенсия оладиган Жаннат Шамсутдинова ҳам 2000 йил январь-июнь ойлари учун ҳисоб қилинган 29085 сўмлик акция пулини 960367 сонли тўлаш топшириқномасида олганлиги ҳақида имзо қўйдириб, ўзлаштириб юборади. Албатта, бундай жиноятларнинг оқибати ёмон.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ҳали кўпчилик ўзининг ҳақ-ҳуқуқини тўла билмайди. Боз устига, «кел, бир жойдаги одаммиз», деган андиша билан тегишли идораларга мурожаат этишни эп кўришмайди. Бундан фойдаланган баъзи кишилар уларни алдайди. Бундай ҳолатларга нисбатан прокурорлик таъсир чоралари кучайтирилаётир.

Умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда «Турон» жамоа хўжалиги бошқарувининг собиқ раиси Рустам Бобоев ва хўжалик экспедитори Соли Алимов ҳамкорликда 1999 йил 13 сентябрь куни Бекобод нефть базасидан 44376 сонли товар-транспорт ҳужжати (накладной) билан 4213 литр дизел ёнилғисини олиб чиқиб, хўжаликка олиб келмасдан талон-торож қилишган. Ушбу миқдордаги дизел ёнилғиси хўжаликнинг ишламай турган тракторларига 1999 йилнинг декабри ва 2000 йилнинг январь ойларида «чиқим» қилинган.

Бундан ташқари «Турон» хўжалиги раиси Р. Бобоев, тафтиш комиссияси раиси К.Жўраев ва бошқа мансабдор шахслар қишлоқни газлаштириш, бригадаларда иссиқ овқат учун маҳсулот етиштиришга деган важлар билан жами 8 та фуқарога 7,30 гектар ер майдонини 590.000 сўмга сотиб юборганлар.

Туманда Ойбек ва А. Мавлонов номли хўжаликлар бор. Мазкур хўжаликларда яхши ният билан 33-сонли ва 50-сонли ўрта мактаб қурилишлари бошланади. Орадан бироз вақт ўтгач, буюртмачи — Ойбек ва А.Мавлонов жамоа хўжаликларининг пул маблағи бўлмай қолади. Ишни олиб бораётган «Зафар» МЧЖ қурилиш ташкилоти фаолиятини тўхтатади. Натижада қурилиш ишлари охиригача етказилмайди, ўлда-жўлда қолади.

Мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги, ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарашлари оқибатида 50-ўрта мактабнинг қуриб битказилган деворларидан 60,9 метр куб ёки 24,3 минг дона пишган ғишт, 13 дона темир бетон тўсинлар талон-торож қилинган. Бундан ташқари қор-ёмғир таъсирида мактаб биносининг бир қисми яроқсиз ҳолатга келган бўлса, 33-сонли мактаб қурилишида ҳам худди шундай ҳолат — 37,3 минг дона ғишт, 15 дона темирбетон тўсинлар талон-торож этилган. Бу билан Ойбек номли хўжалик 1 миллион 382 минг сўм, А. Мавлонов номли хўжалик эса 1 миллион 296 минг сўмдан ошиқ моддий зарар кўрган.

Бундай ҳолатларга нисбатан прокурорлик таъсир чоралари кучайтирилди.

Бугун ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, прокуратуранинг диққат-эътибори аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган. Шу мақсадда меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойлари, ўқув юртларида мамлакатимиз қонуний ҳужжатлари тарғиботига бағишланган учрашув ҳамда суҳбатлар олиб борилмоқда. Яқинда деҳқон-фермерлар ҳамда тайёрлов идоралари вакиллари билан маҳсулот етказиб бериш ва уни қайта ишлаш юзасидан контрактация шартномалари тузиш ҳақида суҳбатлашилди. Мақсад — иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги тўсиқларга барҳам беришдир.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ ёзиб олди**

«ТУҲМАТЧИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАМАНМИ?»

(Давоми. Боши 1-бетда)

1996 йилда мен ҳақ бўлиб чиқдим ва янги омонат дафтарчалари ёзиб берадиган бўлишди. Аммо, бир-икки ойдан сўнг яна айниб қолишди. Эмишки, мен даъво қилаётган 06960 ва 1494-ҳисобдаги 3000 сўм ва 5000 сўм пуллар каминага тегишли эмас экан. Бир-икки ойдан кейин эса 06960-ҳисоб рақами умуман бўлмаган, 1494-ҳисоб рақамидаги 5000 сўм эса аслида 50 сўм экан ва у менга эмас, Маликов Тоҳирга тегишли, деган жавобни айтишди. Суриштириб кўрсам, Жиззах туманига қарашли Ҳамзаобод қишлоқ кенгаши томонидан 1990 йил 20 апрелда 21-хат билан 50 сўм пул ўтказилган Маликов Тоҳир деган фуқаро ҳудудда умуман бўлмаган. Халқ банкидаги айрим мутасаддиларнинг айтишича, мен Маликов Тоҳир номига ўтказилган ана шу 50 сўмни ўзимники қилиш учун шикоятбозлик қилиб юрган эмишман. Энди ўзингиз ўйланг: қайси фаросатли, эсли-ҳушли одам бировнинг номидаги 50 сўм пул учун 6-7 йилдан бери югуради?

Охир-оқибат шаҳардаги ва вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот органлари, Халқ банкининг вилоят ва республика маҳкамалари, ҳокимият идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Ҳар гал аризаларимга бир-бирига жудаям ўхшаш жавоблар олардим. Баъзан эса улар мен сўраган нарса бошқа ёқда қолиб, бутунлай бошқа нарсалар тўғрисида ёзиб юборишарди.

Йиллар ўтаверди. Яна ёзишмалар, жавоблар. Ўқиб ўйлаб қоласан: балки улар менинг мурожаатим бўйича текшириш ўтказмасдан 3552-сонли Жиззах шаҳар Халқ банкида сақланаётган дастлабки текшириш якунидан кўчирма олиш билан кифоялланаётганмикин? Чунки, ҳеч ким мени шикоятчи сифатида текшириш жараёнида иштирок этишга таклиф қилмас, ўзим борсам ҳам мен билан тузукроқ гаплашмасди. Бу орада 3552-Жиззах шаҳар Халқ банки ҳамда унинг 017 ва 014-бўлинмалари раҳбарлари бир неча бор ўзгарди. Лекин менинг мурожаатларимга муносабат ўзгармади.

Баъзан шубҳаланаман. Наҳотки, бор-йўғи 9-10-йил муқаддам банкка қўйилган омонатнинг изини топиш, оқни оққа, қорани қорага ажратиш шу қадар мушкул бўлса? Ёки бу ерда бошқа сир бормикин?

Шубҳа иймондан айиради, дейишади. Гоҳида мен қўйган омонатни кимдир, балки Халқ банкининг қайсидир бир ходими олиб ишлатиб юбордимикин, деган ўйга ҳам бораман.

Ниҳоят, 1997 йилда шаҳар судига мурожаат қилдим. 11 август куни аризам судья Б.Каримов раислигида кўриб чиқилди ва қарорни 22 август куни қўлимга беришди. Мени туҳматчига чиқараёзган суд мажлисига даъвогар сифатида мен томонимдан биронтаям гувоҳ чақирилмади, биронтаям ҳужжат экспертиза қилинмади.

Эл орасида «Ўзинг учун ўл етим», деган гапни эшитиб қоламан. Наҳотки, шундай бўлса? У ҳолда мен каби фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ким ҳимоя қилади? Бугун мен учун 7-8 минг сўм пул эмас, қадрим, обрў-эътиборим муҳим ва қимматли эмасми? Ахир, ҳақ-ҳуқуқим учун курашсам-у, суднинг шошма-шошарлик билан чиқарган биттагина қарори билан маҳалла-кўй, таниш-билишлар орасида шикоятчи, туҳматчи бўлиб қолавераманми?

■ **Тўлқин МАЛИКОВ,**
Жиззах шаҳар М. Тошпўлатов кўчаси, 13-уйда яшовчи фуқаро

ТАҲРИРИЯТДАН: фуқаро Тўлқин Маликовнинг ҳасратга тўла мактубини бироз қисқартириш ва таҳрирдан сўнг газетада эълон қилишни лозим топдик. Бу билан биз уни ҳимоя қилиш, оқлаш, бошқаларни эса қора қилиб кўрсатиш фикридан йироқмиз. Фақат бир нарсани таъкидламоқчимиз. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга кўра ҳар бир хат, шикоят, ариза тааллуқли ташкилотлар томонидан ўз вақтида атрофлича ўрганиб чиқилиши, текшириш одилона ва адолатли бўлиши шарт. Қолаверса, «Қинғир ишнинг қийғиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади», деганларидай қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқ-тартибот идораларимиз учун 9-10 йил олдинги воқеа ҳамда ҳолатларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш у қадар мушкул бўлмаса керак. Муҳими, суриштириб кўрсак, Тўлқин акани маҳаллада ўзига яраша обрў-эътиборга сазовор бўлган, камтар, меҳнаткаш киши сифатида билишаркан, ҳурмат қилишаркан. Шундай одам ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бор-йўғи 7-8 минг сўмни деб 9-10 йилдан бери идорама-идора бўзчининг мокисидай бориб-келавермаса кераг-ов?!

ЧЕГАРА МАСАЛАСИ МУҲОКАМАДА

Икки кундан буён Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов расмий ташриф билан Қозоғистонда. У Нурсултон Назарбоев билан учрашиб, асосан чегара билан боғлиқ масалалар ҳақида музокаралар олиб бормоқда. Шунингдек, учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама этилиши кўзда тутилган.

БЕНЗИН СУВГА ОҚДИ



Австралиядаги Ярра дарёсида «Мобил» компаниясига қарашли нефть маҳсулотлари ташувчи кемадан 4 минг тонна бензин сувга оқиб кетди. Ўз вақтида чора кўрилгани боис табиатга унча жиддий зарар етгани йўқ. Айни пайтда кемадаги носозлик тузатилиб, бензин оқиши тўхтатилган.

САММИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Замбия пойтахтида Африка бирдамлик ташкилоти (АБТ)га аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви давом этмоқда. Унда Африка қитъасининг қиркдан ортиқ давлатидан вакиллар қатнашмоқда. Йиғилишда шу йилнинг 9 июль куни ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Лусакада бўладиган учрашуви билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. АБТ Бош котиби Салим Аҳмад Салимнинг айтишича, саммитда ташкилотни янги сиёсий-иқтисодий тузилмага айлантириш, қитъадаги турли можароларга барҳам бериш, шунингдек, ОИТСга қарши биргаликда курашиш масалалари муҳокама этилмоқда.

«ЮТОР» ОҚИБАТЛАРИ

«Ютор» тўфони Сянган (Гонконг) оролига қараб бормоқда. У Тайван оролининг жанубий қисмини «силаб» ўтди. Хабарларга кўра, тўфон сабабли Тайванда самолёт ва поездлар қатнови тўхтатилган, мактаблар ёпилган. Орол аҳолиси орасида қурбонлар ҳам бор. Қирқ киши бедарак йўқолган.

ЙИРИК ШАҲАРЛАР



БМТнинг аҳолишунослик маркази маълумотига қараганда, аҳолиси 10 миллиондан ортиқ бўлган шаҳарлар сони 2020 йилгача ўн тўққизтадан йигирма биттага етади. Ушбу рўйхатнинг бошида турган Токио аҳолиси эса 26,4 миллион кишига етиб ўзининг етакчилик ўрнини сақлаб қолади.

■ **Интернет хабарлари асосида Моҳлар РУСТАМОВА тайёрлади.**

DUSHANBA 9

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мангуликка дахлдор».
9.15 «Кўҳна замин оҳанглари». Мусиқий дастур.
9.35, 12.25 ТВ метео.
9.40 «Орзулар қанотида». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунида:
10.05 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-қисм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрадасимфоник оркестрининг концерти.
11.55 ТВ - анонс.
12.05 «Шоҳруҳ» клуби.
12.30 «Оҳу». Мультфильм.
12.35 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.
13.00 «Оталар чойхонаси».
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Хўжа Насриддин». Мультфильм.
15.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
15.25, 18.25 ТВ-клип.
15.30 «Футбол марафони».
16.30 Экранда - телесериал. «Дон Кихот». 1-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
22.05 «Маънавият» дастури.
22.55 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 9-қисм.
23.20 «Ахборот».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

Профилактика муносабати билан душанба, 9 июл «Ёшлар» телеканали соат 16.25да бошланади.

16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» почтаси.
16.50 «Заковат» интеллектуал ўйини.
17.45 Спорт ҳафтаномаси.
18.00 «Денгиз жанги». Телелотерея (8 июлда бўлиб ўтган ўйиннинг тақрори)
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Ака-ука Эшжоновлар қуйлайди.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Бойлик изтироби». Бадиий фильм 1-қисм.
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «Бир ўлка-ки» (Самарқанддан олиб кўрсатилади).
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.05, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «t' 36, 6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Авто-news».
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 6.30.-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Мультчархпалак».
18.05 «Аншлаг».
18.55 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Бебилиска пул». Сериал.
21.35 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
21.55 «Клип-антракт».
22.05 Кинематограф. «Энаганинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 КАНАЛ

Соат 16.55 га қадар профилактика.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00, 20.10 «Телеҳамкор».Фойдали газета. Метеохабар.
17.30 «Фантастик тўртлик». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми. «Жиноят жойи». Детектив. Бош ролларда К. Денёв, В. Лану.
20.05 «Ошиқона».Мусиқий дастур.
20.40 «Клип-совға».Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Детектив Нэш Бриджес». Детектив.
23.15 «30-канал»да юмор кечаси. «Яширин камера билан». Ҳажвий сериал.

CHORSHANBA 11

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Имом-Бухорий».
9.15 «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.40, 12.20 ТВ-метео.
9.45 «Кино янгиликлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
Болаларнинг ёзги таътил кунида.
10.25 «Бешбармоқ». Тележурнал.
10.45 «Жонли камалак». Бадиий фильм.
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Камолот сари».
12.25 «Бахтимизга омон бўлинг».
12.45 «Фантадром». Мультфильм.
13.15 «Рақслар гулдастаси». Мусиқий дастур.
13.35 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
13.55, 16.25 ТВ-анонс.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.15 Кундузги сеанс: «Изтопар». Бадиий фильм.
16.40 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
17.10 Экранда -телесериал. «Дон Кихот». 2-қисм.
18.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.55 «Бир жуфт кўшиқ».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 22.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Олтин мерос».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
21.50 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Шу азиз Ватан барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Андижон.
22.10 «Бурч». Видеофильм. 4-қисм.
23.00 «Ахборот».
23.35 «Олам». Телеальманах.
